

ЖАҲОН АДАБИЁТИНИНГ БУЮК ДАҲОСИ

Наманган вилоят тарихи ва маданият

давлат музейи катта илмий ходими:

Манзура Холбева

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи хазинасида аجدодларимиз қолдирган бой маданий мерослар қаторида Алишер Навоийнинг бир неча асарлари сақланиб келинмоқда.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Низомиддин Мир Алишер- дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Истеъдодининг улуғворлигию теранлиги жиҳатидан ҳам, қудратли давлат арбоби сифатида жамиятда тутган юксак мавқеи юзасидан ҳам жуда кўп шоирлар, олимлар, тарихчилар, ҳунармандларга саҳоватли беғараз ҳомийлик кўргизгани жиҳатидан ҳам ўхшаши йўқ.

Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ҳамда инсоний фазилатларини ўрганиш асрлар оша давом этиб келмоқда. Ҳазрат жуда ёшлик пайтида шоир сифатида танилиб бўлган эди. У бутун умри давомида мамлакат ва халқ қайғуси билан яшади. Юрт ободлиги ва тинчлиги йўлида ўзини фидо қилди. Орадан беш асрдан кўп вақт ўтганига қарамай улуғ шоирнинг қилган ишлари, кўрсатган маънавий жасорати ёш авлодга ибрат сифатида кўрсатиб келинмоқда.

Ҳазрат Навоий ижоди ўз даври олиму-фузалоларидан бошлаб, то ҳозирги кунгача изланиш олиб бораётган олимлар учун битмас-туганмас илмий тадқиқот манбаи ҳисобланиб келинмоқда.

Алишер Навоийнинг ижодий мероси катта. Бу ўзига хос ҳаёт қомуси, уни хикматлар уммони, доно фикрлар чамани дейиш мумкин. Шоир классик

шеърятнинг 16 жанрида қалам тебратган бўлиб, олтига йирик фалсафий – дидактик, ишқий-романтик дostonлар яратади. Она тилида тўрт девон, форс тилида бир девон (Девони Фоний) тузган.

Шoир насрда ҳам унумли ижод қилган. “Маҳбуби ул-қулуб” (Кўгилларнинг севгани), ”Насойим ул- муҳаббат” (Муҳаббат шаббодалари), “Тарихи хукамо ва анбиё” (Шохлар ва пайғамбарлар тарихи), “Тарихи мулки Ажам” (Ажам мамлакатлари тарихи), “Мезон ул-луғатий” (Икки тил муҳокамаси), “Вақфия” (Вақф китоби) каби асарлари ўқувчиларга яхши таниш.

Буюк мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоий-инсон қалби ва онгига сўз орқали таъсир ўтказа олган буюк алломадир. Зеро, шоир инсоният маънавий оламини сўз сеҳри ила бойитиб, юксалтира олган ижодкордир. Мутафаккир ўз асарларида бор маҳоратини сўз орқали намоён этади. Шунингдек, инсон камолоти учун зарур бўлган барча амалларни ўзининг пур маъно сўзлари орқали акс эттиради. Ўз ижодида ҳар бир заррачага катта эътибор қаратган шоир ҳеч бир нарсани назаридан четда қолдирмайди. Ҳақиқатдан ҳам Алишер Навоий ижодининг қайси бир қиррасига қарайлик, сўзга нисбатан маъсулиятли ёндашганига гувоҳ бўламиз.

Алишер Навоийнинг халқпарварлиги, бутун умри давомида авом халқнинг турмуш тарзини обод қилиш тўғрисида ўйлагани айнан ” Маҳбуби ул-қулуб” асарида янада яққол намоён бўлади.

Асарда тилга олинган зулмкор шоҳу вазир, мансабдор шахслар, мударрислар, табиблар ва деҳқону ҳунармандлар ҳақидаги фикрлари ҳамда инсонларнинг яхши ва ёмон хислатлари баён этилган панду-насихатлари, танбеҳларни ўқиган ҳар бир онгли инсон ўзига тегишли хулосани чиқариб, ёмон иллатлардан қочади, ҳаёт сўқмоқларида дуч келган тўсиқларга ўзи ечим топа олади, фарзандлар тарбиясида хатоликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

“Махбуб ул-қулуб”ни том маънодаги панднома десак ҳам янглишмаймиз. Асарда Навоий раият аҳли барча табақаларининг одоби, ҳулки ва ахлоқий тамойиллари ҳақида фикр юритар экан, ҳалол меҳнат билан кун кечирувчи деҳқонга улкан саховат эгаси, қурт –қумурсқадан тортиб, гадою мусофирга емак берувчи, новвою аллофни иш билан таъминловчи, мамлакат хазинасини тўлдирувчи, барчага ризқ улашувчи олижаноб жаннатий инсон сифатида қарайди ва “Деҳқонки, дон сочар, ерни ёрмоқ билан ризқ йўлин очар” деб таъриф беради. Деҳқончиликнинг бошқа касблардан юқори қўйилишига сабаб шуки, масалан, ҳунармандлардан ажойиб ашёлар, меъмор қурувчилардан буюк бинолар неча юз, ҳатто минг йилларга ёдгор бўлиб қолади ва бу ёдгорликлар билан бирга уларнинг номлари узоқ вақт яшайди. Деҳқоннинг меҳнати эса ердан пайдо бўлиб, яна ерга сингиб кетади, меҳнат маҳсули ер устида қолмайди. Аммо унинг маҳсули билан инсон тирик ва дастурхони ҳамиша тўкиндир.

Шоир асарда панд-насихатларни танбиҳ тарзида санъаткорона баён этадики, бу жиҳатдан ҳам ўқувчи дўстона самимиятга иқрор бўлади.

Танбиҳ

Оз гапирмоқ-хикматга сабаб; оз емоқ соғлиққа сабаб.

Оғзига келганни демоқ нодоннинг иши ва олдига келганни емоқ ҳайвоннинг иши.

Байт: *Кўп демак бирла бўлмагил нодон,*

Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.

Тавозеъ хусусида

Тавозеъ- кишига халқнинг мухаббатини жалб қилади. Одамларни у билан дўстлаштиради. Тавозеъ-дўстлик гулшанида тоза гуллар очади. Тавозеъ-такаббур муҳолифга мулойимлик ва камтарлик йўлини кўрсатади. Гердайдан душман

кўнглида инсонийлик завқини кўрсатади. Қайта-қайта кўрсатилган тавозеъ-ҳаёсиз такаббурни уят чегараси томон йўллайди ва ҳаддан ташқари инсофсиз душмани ёмонлик қилишдан қайтаради.

Байт: *Бундай ҳаёт ақл ва ҳикмат
эгалари насибасидир,
Нафспараст ва ҳудбинлар унга
эриша олмайдилар.*

Саховат хусусида

Яхшиликларни топмоқ-едирмоқдир; айбларни яширмоқ-кийдирмоқдир, зарур вақтда берилган эски чопон ва бўз тўн-саховат; бемаҳал ҳадя қилинган зарбоп чопон-ярамасликдир. Овқатинг увол бўлмасин десанг –едиир, либосим эскирсин десанг кийдир. Саховат қилиш йўлини шу айтилган гапларда англа, аммо олийжаноблик ва мардлик расмлари бундан бошқачадир.

Навоий асарлари барҳаёт. Қай бир ижодини ўқимайлик, варақламайлик унда комилликка, инсоф диёнатга, тўғрилиқ ва ҳалолликка йўналтирилганлигининг гувоҳи бўламиз. Бу айниқса ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада “авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони” Алишер Навоий мероси ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги авлод шу муқаддас заминга муносиб бўлиб вояга етишида кимларнинг авлоди эканлигини билиши, Ватан тарихи, унда яшаб ўтган Навоий сингари аجدодларини англаш катта аҳамиятга эга. Алишер Навоий ижоди тубсиз уммонга ўхшайди. Шоир асарларини ўқир эканмиз, ҳар сафар ундан янги бир мазмун, янги жиҳатларини топаверамиз. Навоий инсонни улуғлайди, ёшларни комил шахс бўлиб вояга етишига ундайди. Айни пайтда ҳар бир киши эзгу ном қолдириши, умрини яхшиликлар қилиш билан безаши муҳимлигини уқтиради

Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларидаги ахлоққа доир фикрлар улкан бир ахлоқий қарашларнинг йиғиндиси сифатида, нафақат ўз даврида, балки бугунги кунимизда, бундан кейинги даврларда ҳам ҳаётга тадбиқ этишга лойиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т-Т.; «Санъат» 2001, 89-б.
2. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, 104-б .
3. Б.Қурбонов, Г.Қурбанова Технология Ва Дизайн Тошкент -2020, 246-б
4. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар.
– Т., 2006.
5. Маликова С.С. Тасвирий санъат тарихи. – Т., 2008.
6. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. 2-том. – Т.: «Ўқитувчи»